

МАЪНАВИЯТЛИ ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ

Саидахон Мавланова

Самарқанд ВМИ Тошкент филиали ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада бугунги ёшлар нафақат моддий, аввало, маънавий жиҳатдан эркин бўлиши, дўстни душмандан ажратиши, миллий ғоя билан бирга умумбашарий қадриятларни ўзида мужассамлаши, шакллантириши учун уларнинг ақл-заковатини, тафаккурини, маънавиятини мунтазам шакллантириб бориш ҳақида фикр мулоҳазалар юритилган.

Калит сўзлар: Ватан, маънавият, қадрият, ижодкор, таълим, тарбия, баркамол, интеллектуал.

EDUCATION OF A DEVELOPED GENERATION IN THE EDUCATION OF SPIRITUAL YOUTH

Saidakhon Mavlanova

Teacher of Tashkent branch of Samarkand Veterinary Medical Institute

ABSTRACT

This article discusses the idea of today's youth not only to be materially, first of all, spiritually free, to separate friend from foe, to constantly shape their intelligence, thinking, spirituality, to embody and form universal values along with the national idea.

Keywords: Motherland, spirituality, values, creativity, education, upbringing, harmonious, intellectual.

КИРИШ

Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори авваламбор фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир, – деб таъкидлаган биринчи Президентимиз Ислом Каримов. Бу муқаддас заминда яшаётган ҳар қайси инсон ўз фарзандининг бахт-у саодати, фазл-у камолини кўриш учун бутун ҳаёти давомида ўзини аямайди. Мустақиллик йиллариданоқ мамлакатимизда ёшларнинг жамиятдаги ўрни беқиёс эканига алоҳида эътибор берилаётгани ва бу эътиборнинг эркин

ифодасини ижодкор ёшларни қўллаб – қувватлаш, ижод намуналарини халққа танитиш борасида кенг имкониятлар яратиб берилаётганида ҳам кўришимиз мумкин.

Ўзбек халқининг шонли ўтмишига назар ташласак, тарихимизда жуда кўп давлат арбоблари ўтганлигини уларнинг фаолияти ҳам ўзига хос бўлганлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, халқ ҳаёти фаровонлиги йўлида эзгу ишларни амалга оширган, бунёдкорлик ишларини амалга ошириб, халқ ҳурмати ва эъзозига сазовор бўлган Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобур, Шароф Рашидов, Ислом Каримов каби буюк давлат арбобларидан бугун раҳбарлик фаолиятини юритаётган давлат ва жамоат арбоблари ибрат олса арзийди. Буюк аждодларимиз одилона сиёсати, юксак маънавияти, интеллектуал салоҳияти билан нафақат ўзбек халқи, балки, дунё халқлари тинчлиги, осойишталиги, илм-фани цивилизацияси тараққиётига ҳам муносиб ҳисса қўшганлар.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Юртимизда амалга оширилаётган барча эзгу ишларнинг пойдеворини биринчи Президентимиз Ислом Каримов қўйган эдилар,- десак айти ҳақиқат бўлади. Боиси, маънан ва жисмонан етук ватанпарвар ва интеллектуал билимларга эга кишиларни камол топтириш биринчи Президентимиз Ислом Каримов ҳаёт йўлининг бош мезони эди.

Шунингдек, биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида», «Ўзбекистон буюк келажак сари», «Юксак маънавият-енгилмас куч» ва «Она юртимиз бахту-иқболи ва саодати йўлида хизмат қилиш-энг олий саодатдир» каби асарларида ёшлар келажаги, уларнинг ҳаётда ўз ўринларини топиши учун юртимизда яратилган имкониятлар, ёшлар бугун амалга ошириши лозим бўлган ишлар тўғрисида билдирган фикр-мулоҳазаларида, шунингдек, юртимизда олиб борилган ҳар бир ислохот негизида инсон, унинг кадр-қиммати, ҳоҳиш-истаклари, манфаатлари мужассамлигида ҳам яққол кўришимиз мумкин.

Бугунги ёшлар нафақат моддий, аввало, маънавий жиҳатдан эркин бўлиши, дўстни душмандан ажратиши, миллий ғоя билан бирга умумбашарий қадриятларни ўзида мужассамлаши, шакллантириши учун уларнинг ақл-заковатини, тафаккурини, маънавиятини мунтазам шакллантириб бориш даркор. Маънавият, одоб-ахлоқ, ибратли қадриятлар, олийжаноб фазилатлар эса аввало, оилада шаклланади. Оила, фарзанд тарбияси, оилада ота-онанинг ўрни хусусида гап кетганда, ўзбек халқининг чинакам инсоний фазилатларини ўзида ифода этган дурдона асар «Ўткан кунлар» романи бош қаҳрамони Юсуфбек ҳожининг:

“Бу хонадондан ҳеч ким норизо бўлиб кетган эмас”-деган гапида элимизга ҳос катта ҳаётий фалсафа мужассамлигини теран англаймиз. Ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчлари, ўзларининг охиратларини обод этувчи (яхши ном қўйиш, яхши муаллимга топшириб саводини чиқариш, илмли, касб-ҳунарли қилиш, оилали, уйли жойли қилиш каби) қарзлари бор.

НАТИЖАЛАР

Улар ўз бурчларини адо этиш билан фарзандларига намуна кўрсатадилар, шунингдек, баркамол авлодни тарбиялаш орқали жамиятда муносиб ўрин топиш мумкинлигини намоён этадилар. Ушбу ҳолат бир қарашда оддий кўринади, лекин ҳаётда ўчмас из қолдирган буюк инсонлар оддий оилада камтар инсонлар қўлида камол топишини инобатга олсак, биринчи Президентимиз Ислон Каримовнинг «Баркамол авлод орзуси», «Юксак маънавият-енгилмас куч» ва «Она юртимиз бахту иқболи ва келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир» каби асарларида оиланинг жамиятдаги ўрни бекиёс эканига бежиз тўхталмаганликларига ишонч ҳосил қиламиз.

Келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом баркамол наслни тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир. Оила бўладими, маҳалла бўладими ёки ўқув муассасаси бўладими ёшлар камолоти долзарб масала сифатида қаралади.

МУҲОКАМА

Бугунги кунда олдимизга қўйган буюк мақсадларимизга эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгилиниши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи, амалга оширилаётган ислоҳотларимиз режаларимизнинг самараси, тақдири барчаси замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлиги барчамизга кундек равшан. Зеро, инсон қалбига йўл аввало таълим-тарбиядан бошланади. Таълим-тарбиянинг тўғри йўлга қўйилиши, рақобатбардош кадрларни тайёрлаш юртнинг истиқболини белгилаб бериши жаҳон тажрибасида ўз исботини топган.

Бугунги тезкор даврда инсонлар онгу-тафаккуридаги ўзгаришлар ҳар бир инсонни дунёда бўлаётган ўзгаришларга теран нигоҳ билан боқилишини тақозо этади. Айниқса, бу жараён раҳбарларнинг зиммасига улкан маъсулият юклайди.

Шу ўринда савол туғилади: Бугунги кунда раҳбар қандай фазилатларга эга бўлиши керак?..

Давлат сиёсатидаги донишмандлик тараққиёт ва фаровонликни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар, тадбирларнинг аниқлигида ва изчиллигида намоён бўлади. Давлат раҳбарининг донишмандлиги мамлакат тараққиётини халқининг тинчлигини ўзига бош мақсад қилиб олиб, уни собитқадамлик билан амалга оширишида кўзга ташланади. Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислон Каримовнинг ўсиб келаётган ёш авлодга эътибори Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш соҳасидаги сиёсати айнан шундай моҳиятга эга эди.

Раҳбарлик лавозимида кўтарилган кишиларнинг энг буюк, энг муқаддас вазифаси-уни тарбия қилган, билим берган, юксак мартабага олиб чиққан халқига сидқидилдан хизмат қилишдан иборат бўлиши лозим.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, ёш йигит-қизларнинг мустақил ҳаётга кириб бориши, ёш оилаларнинг жамиятда муносиб ўрин топишида фидойи ва меҳрибон, жонкуяр инсонларнинг қанчалик муҳим ўрин тутаётгани ҳаётда ўз аксини намоён этиб келмоқда. Қачонки муаммога дуч келар эканмиз, (шундай вақтлар бўладики, ота-онадан ҳам яқин инсонга эҳтиёж сезасан, киши) бизга чинакам намуна бўлган азиз инсон-устоз ўз ёрдами беради. Шу ўринда эътиборли яна бир жиҳат бор. Бу ҳам бўлса, «устоз» дея улуғлангувчи зотнинг ўзи ҳам яхши таълим-тарбия кўрган бўлиши керак. Зеро, устознинг биргина маънавий кўмаги шогирд ҳаётини йўлга солиши, ёхуд издан чиқариши мумкин. Бундан кўринадики, устозларимиз юксак илмий салоҳият ва маънавият соҳиби бўлиши, ўз шогирдига муносиб таълим-тарбия бера олиши натижасида баркамол авлод камол топади. Устозлар машаққати маҳсули шогирднинг жамиятга муносиб шахс бўлиб шаклланишида яққол намоён бўлади.

Дунё халқлари томонидан юксак эътироф этилаётган Ўзбекистоннинг порлоқ келажагини яратиш, аждодларга муносиб бўлиш ўзбек ёшлар зиммасига улкан маъсулият юклайди. Зеро, ўзлигини чуқур англаб етган, аниқ мақсад қўйиб ўз ҳаёти, ўз тақдирини мана шу озод Ватан порлоқ келажаги билан боғлаган ҳолда келажак сари катта ишонч билан одимлаётган, ҳаётга теран нигоҳ ташлагувчи ёшларгина бу муқаддас заминнинг муносиб ворислари дея эътироф этиладилар.

REFERENCES

1. И. Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.:Ўзбекистон. 1996.

2. И. Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т. Ўзбекистон. 1998
3. И. Каримов. Баркамол авлод орзуси. Т. Ўзбекистон. 1999
4. И. Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т. Маънавият. 2008
5. И. Каримов. Она юртимиз бахту иқболи ва келажаги йўлида хизмат қилиш- энг олий саодатдир. Т. Ўзбекистон. 2015.
6. Botirova, S. (2020). The Role of Artistic Psychology in the Metaphorical Harmony of Man And the Reality of Life. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 9(4), 16-20.
7. Botirova Sh.I. (2020). For Students of Philology Teaching Literary Conditions of Learning Basic Analysis. *Science and Education*, 1(5), 110-113.
8. Botirova Sh.I. (2020). Problematic Aspects Related To the Use of Educational Technologies And Interactive Methods In The Classroom. *International Journal of Multidisciplinary Research*, 6(8), 539-541.
9. Botirova Sh.I. (2020). The Relationship Between Symbolically Figurative Interpretation And Psychology. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 9(9), 12-15.
10. Umirova D. (2020). Authenticity and authentic materials: history and present. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*. 8(10), 129-133.
11. Rasulov R. (2020). Word Valence and Syntactic Relationship. *International Journal of Psychosocial Rehabilitation*, 24(02), 295-300.
12. Rasulov R. (2020). Agency Valency of Voice Forms of the State Verbs (On the Material of the Uzbek Language). *International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding*, 7(7), 308-317.
13. Rasulov R. (2020). Kelajak – til sohiblariniki. *Til va adabiyot ta'limi*, 7(7), 63-64.
14. Шерматова У.С. (2020). Kunduzsiz kechalar yog'dusi. *Til va adabiyot ta'limi*, 2020, 3(3), 23-25.
15. Шерматова У.С. (2020). Ватан тимсоли маънавий қадрият. *Pedagogik mahorat*, 6(6), 84-88.
16. Shermatova U. (2020). The light of nights without a day. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 4(4), 112-117.
17. Матчонов С. (2020). Адабиёт дарсларида таҳлил ва талқин уйғунлиги. *Тил ва адабиёт таълими*. 7(7), 8-11.
18. Матчонов С. (2020). Адабий таълим тизимини технологиялаштириш ва бадиий-эстетик тафаккур муаммолари. *Низомий номидаги ТДПУ Илмий ахборотлар 2020* 1(1), 49-53-бет.
19. Sobitova T. (2020). Orzigul dostonidagi ma`naviy va lafziy san`atlar. *Ilmiy axborotnoma SamDU*, 8(4), 56-63.
20. Sobitova T. (2020). Yoshlar ma`naviyatini yuksaltirishda xalq og`zaki ijodining o`rni. *Тил ва адабиёт таълими*. 5(5), 26.